



# TEACHER MIUALLIM УЧИТЕЛЬ



Tadqiqot.uz



VOLUME 2, ISSUE 5



2021

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Усмонова Дильноза Тулкуновна, Миркомилов Шавкат Миромилович</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГРЫ В ОБУЧЕНИЕ ХИМИИ В ШКОЛЕ.....	5
<b>2. Yuldasheva Dilafruz Maxamadaliyevna, Kenjaeva Zilola Saminjon qizi</b> PIRIMQUL QODIROVNING “YULDUZLI TUNLAR” ASARIDA UCHROVCHI KIYIM-KECHAKKA OID SO’ZLARNING O’ZIGA XOS MA’NOVIY IFODALARI.....	9
<b>3. Ахмедова Наргиса Нуриллаевна, Шайзакова Дилбар Абдибаумовна</b> “ЗУБТУРУМ (PLANTAGO MAJOR) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	13
<b>4. Erkaboyeva Feruza G’ayratovna</b> TARBIYALANUVCHILARNI AXLOQIY-ESTETIK SIFATLARINING O’ZIGA XOS TOMONLARI.....	21
<b>5. Пўлатова Ўғилхон</b> ГАПНИНГ АКТУАЛ БўЛИНИШИ БИРЛИКЛАРИ.....	25
<b>6. Каримова Хилола</b> ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭМФАЗАНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА.....	30
<b>7. Nurmukhamedova Mukaddas Abdufattoh kizi</b> THE INFLUENCE OF THE PROSODIC DOMINANTS OF THE ANALYZED LANGUAGES ON THE PHONOVARIACTION.....	35
<b>8. Maqsudxo‘jayeva Laziza To‘lqin qizi</b> XITOY TILIDA QARINDOSHLIK ATAMALARI.....	41
<b>9. Turayeva Fotima Baxtiyarovna</b> LU XIN IS THE FOUNDER OF MODERN CHINESE LITERATUR.....	46
<b>10. Soy Valentina Константиновна</b> МОТИВАЦИЯ КАК ОДИН ИЗ ПУТЕЙ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЗНАНИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА (на примере графических организаторов)».....	49
<b>11. Zulfiya Radjapova</b> SO’Z BIRIKMASI VA GAP BO’LAKLARI BO’YICHA O’TILGANLARNI TAKRORLASH.....	54
<b>12. Boltayev Xasan Davronbekovich</b> OPTIK ASBOBLAR.....	57
<b>13. Ризаева Гулноза Хикматулоевна</b> ЗАКОН ВСЕМИРНОГО ТЯГОТЕНИЯ.....	62
<b>14. Рахмонова Роза Пантелейевна</b> КОММУНИКАТИВНЫЕ КАЧЕСТВА ХОРОШЕЙ РУССКОЙ РЕЧИ.....	68
<b>15. Raxmatullaev Umarjon Ubaydullo o‘g‘li</b> YUZ YILLIK URUSHNING BOSHLANISHI VA UNING DASTLABKI DAVRI.....	72

# MUALLIM УЧИТЕЛЬ TEACHER

Ахмедова Наргиса Нуриллаевна  
Шайзакова Дилбар Абдиқаюмовна  
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти  
ahmedova\_nargis@mail.ru

## “ЗУБТУРУМ (PLANTAGO MAJOR) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0850-2021-5-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тиббиёт ва фармацевтика билим юртлари ўқувчилари ҳамда умумтаълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари учун "Зубтурум (Plantago Major) доривор ўсимлик" мавзусини ўқитишида ўйинли дидактик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари очиб берилган. Мақолада "Илмий анжуман" методи, бу дарсни ўтказишида ўқитувчининг ўрни, дарсни олиб бориш услуби ва тартиби баён этилган. Дарсда фойдаланиш учун материаллар тақдим этилади.

**Калит сўзлар:** зубтурум, илмий анжуман, дидактик ўйин, фармакогнозия, тақдимот, фитопрепаратлар, биологик фаол моддалар, сироп, настойка.

Ахмедова Наргиса Нуриллаевна  
Шайзакова Дилбар Абдиқаюмовна

Чирчикский Государственный педагогический  
институт Ташкентской области ahmedova\_nargis@mail.ru

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ ТЕМЫ “ПОДОРОЖНИК (PLANTAGO MAJOR) – ЛЕКАРСТВЕННОЕ РАСТЕНИЕ”

### АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты особенности использования игровых дидактических технологий в преподавании темы “Подорожник (Plantago Major) лекарственное растение” для студентов медицинских и фармацевтических учреждений, а также для учеников 11 класса общеобразовательных школ. В статье описан метод “научной конференции”, роль учителя в проведении этого урока, методика проведения урока. Предоставлены материалы для использования на уроках.

**Ключевые слова:** подорожник, научная анжуман, дидактические игры, фармакогнозия, презентация, фитопрепараты, биологически активные вещества, сироп, настойка.

Akhmedova Nargisa Nurillaevna  
Shaizakova Dilbar Abdikayumovna  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## THE USE OF DIDACTIC GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING THE TOPIC "PLANTAIN (PLANTAGO MAJOR) - MEDICINAL PLANT"

### ABSTRACT

This article describes the features of the use of game didactic technologies in teaching the topic "Plantain (Plantago Major) medicinal plant" for students of medical and pharmaceutical institutions, as well as for students of the 11th grade of secondary schools. The article describes the method of the "scientific conference", the role of the teacher in conducting this lesson, the method of conducting the lesson. Materials for use in the classroom are provided.

**Keywords:** plantain, scientific conference, didactic games, pharmacognosy, presentation, phytopreparations, biologically active substances, syrup, tincture.

**Кириш.** Тиббиётда доривор ўсимликларга ва улардан олинадиган препаратларга бўлган талабнинг келажакда янада ошишига сабаб, синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий доривор препаратни узоқ вақт узлуксиз равишда истеъмол қилиш инсон ва ҳайвонлар организмида турли кўнгилсиз ўзгаришларга олиб келишидир. Шу сабабдан охирги вақтларда дунё бўйича ўсимлик доривор препаратларига — фитопрепаратларга ва доривор ўсимликларга бўлган эҳтиёж ортмокда. Бу эса ўз навбатида фармакогнозия фанининг аҳамиятини янада оширишга олиб келади.

Фармакогнозия фанининг асосий мақсадини қуидагилар билан ифодалаш мумкин:

1. Фитопрепаратлар яратиш учун зарур бўлган биологик фаол моддалар ҳамда дори турлари тайёрлаш манбаи сифатида доривор ўсимликларни ўрганиш. Шу мақсадда уларнинг кимёвий таркиби текширилади ҳамда асосий таъсир этувчи биологик фаол моддаларнинг йиғиладиган органлари ва вақти аникланади.

2. Табиий шароитда йўқолиб кетиши хавфи бўлган ва камайиб кетаётган муҳим доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни асраб қолиш ва плантацияларда ўстириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ватанимизда ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш мақсадида уларнинг кўплаб ўсадиган жойларини излаб топиб ҳаритага чизиш, захирасини аниклаш, йиллик йиғиш микдорини режалаш ҳамда доривор махсулотни йиғиш, қуритиш, сақлаш ва транспортда жўнатиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

4. Доривор махсулотларга норматив-техник хужжатларни — НТХ тузиш. Бунинг учун доривор махсулотларнинг чинлигини, сифатли ҳамда биологик фаол моддаларини аниклаш усусларини мукаммаллаштириш, қайта кўриб чиқиш ёки янги усуслар яратиш.

5. Фитопрепаратлар ва доривор ўсимликлар хазинасини бойитиш мақсадида янги доривор ўсимликлар излаб топиш ва янги, эффектив фитопрепаратлар яратиш.

Шу мақсадда ҳалқ ичидаги анъанавий тиббиётда ишлатиладиган доривор ўсимликларни ҳамда тиббиётда ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг бошқа турларини ўрганишни ташкил қилиш лозим. Фармакогнозия фанини фармацевтика ва тиббиёт билим юртларининг фармацевтика бўлимларида ўқитиладиган барча фанлар билан боғлиқлиги катта. Айникса қуий курсларда ўқитиладиган ботаника, кимё ва бошқа фанлар фармакогнозияга асос бўлиб, уларни яхши ўзлаштириш фармакогнозияни чукур билишда катта аҳамиятга эгадир.

Тиббиёт ва фармацевтика билим юртлари талабаларига фармакогнозия фанидан ҳамда ўрта таълим мактабларида биология фанидан "Зубтурум (Plantago Major) доривор ўсимлиги" мавзусини ўтишда ўйинли дарслардан фойдаланиб ўтиш, ўкувчининг билим олишга бўлган қизиқишлирини оширади ва билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди.

Таълим жараённида ўйин машқларни муваффақиятли ўтказиш ўқитувчининг илмий-методик савияси ва педагогик маҳоратининг юқори даражада бўлиши, замин билан ҳамнафаслиги, ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқариш малакаларининг шаклланганлигига боғлиқ.

**"Анжуман дарслари" ўйини**

Анжуман дарслари ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, илмий дунёқарашини кенгайтиришда, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий – оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлашда кўникма ва малакаларини орттириш, мустақил ҳаётга онгли тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Илмий анжуман дарсини қўйидагича ўтказиш тавсия этилади:

- I. *Ўқитувчининг кириши сўзи.* Ўқитувчи дарс мавзуси, мақсад ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи “Олимлар”-ўкувчилар билан таништиради.
- II. *Илмий маъruzalarни тинглаши.* “Олимлар”-ўкувчилар мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмали куроллар асосида баён этадилар.
- III. *Маъruzalar муҳокамаси.* Бунда “Олимлар”-ўкувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади.
- IV. *Илмий анжуман якуни.* Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, якунлайди.
- V. *Ўқувчиларни баҳолаши.* Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади ва баҳоланади.
- VI. *Уйга вазифа берииш.*
- VII. *Дарсни умумий якунлаши.*

Илмий анжуман дарсларида синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти фаоллашуви билан қўзга ташланади. Қуйида биз “Зубтурум (*Plantago major l.*) доривор ўсимлиги” мавзуси бўйича ўтказиладиган анжуманнинг мазмунини тўлиқ ёритамиз.

Ўқитувчи ўқувчиларни анжуманни ўтказиш учун ўқувчиларга олдиндан мавзуларни бўлиб беради. Масалан, бир ўқувчи зубтурумнинг кимёвий таркиби оид маълумотлар бўйича “маъруза” тайёрласа, иккинчиси у асосида олинадиган дори препаратлари тўғрисида, учинчиси зубтурумнинг фармакологик хусусиятлари тўғрисида мустақил равища, илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда маъруза тайёрлаб келиши керак бўлади.

Дарснинг бу шаклда ўтилиши ўқувчиларга илмий анжуманларнинг ўтказилиш тартиби, уни ўтказишдан мақсад, илмий маъruzalarни тайёрлаш, маъруза қилиш тартибини, илмий стендлар ва тақдимотлар тайёрлашни ўрганиш, тўлиқ маълумотларга эга бўлиш имкониятларини беради, илмий анжуманларда иштирок этиш қўнималарини ҳосил қиласди, илмий тадқиқот ишларига қизиқиш уйғотади.

I. *Ўқитувчининг кириши сўзи.* Анжуман дарсини ўқитувчи кириш сўзи билан бошлаб беради ва илмий анжуман Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган *Plantago Major* ўсимлигининг кимёвий таркиби, фармакологик хусусиятлари ва у асосида олинадиган доривор препаратларга бағишланганини айтиб ўтади. Кириш сўзининг оҳирида “... ушбу илмий анжуманда сизларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун бу ерга фармакогнозия соҳасида ишлайтган машҳур олимлар, етакчи мутахассислар таклиф этилган. Марҳамат, ўзларингизни қизиқтирган саволлар бериб мурожат қилишингиз мумкин...” дейди.

II. *Илмий маъruzalarни тинглаши.* Маълумки ўсимликларни хоссалари, этиштириш шароитлари билан биологлар шугулланадилар. Шу сабабли биринчи иштирокчининг шартли касби биология соҳасидаги изланувчи-олим деб олинади. Илмий анжуманда у “Зубтурум (*Plantago major L.*) доривор ўсимлиги ҳақида умумий маълумотлар” номли маърузаси билан қатнашади:

Доривор ўсимликлар – мамлакатнинг табиий бойлигидир. Ўсимликларнинг ташқи муҳитга қараб ҳар-хил шаклда мослашиши ҳаётий шакл дейилади. Гулли ўсимликлар ҳаётий шаклларига қўра дараҳт, бута, яримбута, бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўтларга бўлинади.


Зубтурум (*Plantago major L.*) *Plantaginaceae* оиласига, бир йиллик ўтлар синfiga мансуб бўлиб, бир йил ичida уруғдан униб чиқади, ўсади, гуллайди ва мева туғиб ўз ҳаётини тутатади. Баъзида бутасимон турлари ҳам учрайди. Азалдан доривор ўсимлик сифатида ишлатилиб келинади.

*P.Major* чангини ўрганиш щуни кўрсатадики, 4000 йил аввал бу ўсимлик турли мақсадларда қўлланилган ва ўсимлик бутун дунё бўйлаб тарқалган эди. Хиндулар уни “оқ

одам изи” деб номлашган, чунки у европаликларнинг қадами етган барча ерларда униб чиқар эди. У Диоскорид томонидан “De Materia Medica” асарида эрамизнинг I асрида, ит тишлаганда кўлланлиганини тўғрисида эслатиб ўтилган. Яраларни тузатиш воситаси сифатида у викингларнинг “Volsuga saga” асарида эслатиб ўтилган. *P.Major* ўсимлигига грек тибий матнларни таржима қилган XII-XIII аср исломи олими Ибн Ал Бейтар томонидан таъриф берилган эди.

*P.Major* нам ва субтропик иқлим шароитида ўсади, бу ўсимликнинг 250 тури мавжуд. Уни йўллар бўйида, дараларда ёки чўлларда, кумли жойларда, далаларда учратиш мумкин.

Иккинчи иштирокичнинг маъruzаси зубтурумнинг кимёвий таркибига бағишлиланган, демак бу иштирокчи шартли кимёгар-олим деб эълон қилинади, у “Зубтурумнинг кимёвий таркиби ва биологик фаол моддалари” мавзусида маъруза қиласи. Унинг маърузаси кичик бир тақдимот шаклида тайёрланган:



Зубтурумнинг (*Plantago major*) кимёвий таркиби.

### Зубтурум ўсимлигининг кимёвий таркиби ва фойдали моддалар миқдори

*P.major* нинг янги узилган 100 г пояси таркибида:

Асосий моддалар:	г	Минераллар:	мг	Минераллар, витаминлар:	Мг
Оксиллар	1.6	Калий	382	Магний	22
		Кальций	241	Темир	5.6
Озиқа толалар	1.6	Фосфор	41	Витамин С	33.3

*P.major* нинг янти узилган 100 г барги таркибида:

Асосий моддалар:	г	Минераллар:	мг	Минераллар, витаминлар:	Мг
Сув	84	Кальций	184	Витамин С	44.9
Оксиллар	2.4	Марганец	1.2	Витамин РР	0.8
Ёвлар	0.3			Витамин В2	0.28
Углеводлар	14.6	Калорийлик	61 ккал	Витамин А	0.08

Учинчи иштирокчининг маърузаси доривор ўсимликнинг фармакологик хоссаларига бағишиланган бўлиб, шартли равишда фармацевт-олим ёки шифокор деб таништирилган бу олим куйидаги маълумотлар билан маъруза қилади:

**P.Majorning фармакологик таъсирі.** *P.Major* инсон учун жуда яхши дори воситаси ҳисобланади. У ялиғланишга қарши яхши таъсир кўрсатади, антисептик вазифасини ўтайди, яраларни тузатади, ошқозоннинг секреторлик функциясига ижобий таъсир кўрсатади, оғриқни қолдиради, балғамни кўчирувчи ва қонни тозаловчи восита сифатида ишлатилади.

*P.major* барглари дамламаси ёрдамида оддий йўталдан ёки респираторли касалликлардан ташқари, ўпка сили, плеврит, юқори нафас олиш аъзоларини ялиғланиши, бронхиал астма ва кўк йўтал каби касалликларга шифо топиш мумкин.

Махсус фитокимёвий тадқиқотлар натижасида *P.major* баргларида холестерин алмашинувига таъсир кўрсатадиган компонентлар борлиги ва ошқозон ярасига қарши яхши таъсир кўрсатиши аниқланди. Ўсимликнинг баргини спиртли ёки сувли экстракти ошқозон яраларининг оғир шаклларида жуда яхши фойда беради. *P.Major* тутган тиббиёт воситалари ва унинг баргларини шарбати антибактериал моддалар тутади, у синегной ва ичак таёқчалари, яра инфекцияларини патоген микроблари, гемолитик стафилококкларни даволашда, сийдик пуфакчасининг ялиғланиш касалликлари, бавосил, малярия, кўпгина тери касалликлари – тошмалар, хуснбузарларни даволашда ҳам ёрдам беради. Тери шикастланишида ҳам у энг яхши восита ҳисобланади.

#### **P. major компонентларининг фармакологик хоссалари**

Компонентлар, БФМ	Фаоллик
<b>Полисахариidlар (ПС)</b>	
Барглардаги йифинди ПС фракцияси	Яраларга қарши, спазмолитик, ошқозон ширасининг секрецияси кўтарилади, шамоллашга қарши. Узоқ вақт қўлланилиши мумкин
Баргларнинг пектин тутган компонентлари	Бактерияга қарши
<b>Липидлар</b>	
C26-C30 тўйинган бирламчи спиртларнинг йифинди фракцияси, гексанли фракциянинг гидролизланмайдиган қисми	Яраларни битирувчи
<b>Кофе кислотаси эфирлари</b>	
Плантамайозид	Шамоллашга қарши, антиоксидант
Актеозид	Бактерияга қарши Оғриқ қолдирувчи Гипотензив
<b>Иридоидлар</b>	
Аукубин	Шамоллашга қарши Спазмолитик Вирусга қарши (В гепатит) Гепатопротектор

Ундан ташқари, *P.Major* шарбати ярадан йирингни чиқишини, битишини тезлаштиради, ялиғланиши тузатади ва грануляцияни ортишига ёрдам беради. *P.Major* шарбати узоқ вақт тузалмайдиган яраларни ва фурункулларни тузатишида, ишлаб чиқаришда олинган шикастланишларда ёрдам беради.

Бу ажойиб ўсимлик седатив таъсир кўрсатиб, неврозларнинг енгил шаклларида, уйкусизлиқда ёрдам беради. Унинг гипотензив хоссалари шишларни пайдо бўлишини олдини олади, юракка тушадиган ортиқча юкни камайтиради, қон босимини пасайтиради.

*P.Major* ўсимлиги яраларни тузатиш, антисептик, аллергияга қарши, юмшатувчи, седатив, балғам кўчирувчи, секреторлик, қон тўхтатувчи, регенирловчи, ялиғланишга қарши,

бактерицид, бронхолитик, диабетга қарши, гипотензив, умумий қувватлантирувчи каби фармакологик таъсирларга эга.

Тўртинчи иштирокчининг маъruzаси зубтурум барглари, поялари ва уруғидан дори препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу маърузачи шартли равища провизор бўлади ва у қуйидаги маълумотларни беради:

**Дори воситалари сифатида қўлланилишга рухсат этилган Р. Major препаратлари**

### Плантағлюцид



### Зубтурум шарбати



### Зубтурум экстракти.



### Гастрокалм



### Сиропич



Шамоллашга қарши, спазмолитик, химояловчи; Гипацидли гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари

Шамоллашга қарши, гиперсекреторли, анацидли гастрит, сурункали колит.

Шамоллашга қарши. Гиполипидемик, балғам кўчирувчи, гипотоник, бактерицид, ошқозон ва ичак шиллиқ пардаларининг шамоллаши, ошқозон яралари, паразитар ва инфекцион касалликлар фонида келиб чиқадиган эрозив-ярали касалликлар, бронхларнинг шамоллаши, ташқи тери касалликларида, пародонтозда. Шамоллашга қарши, спазмолитик, аналгетик. ОИТ касалликларини профилактикаси ва комплекс терапияси

Балғам кўчирувчи, шамоллашга қарши, антисептик; Педиатрия амалиётида лор-касалликлар

**Стоптуссин Фито.**  
**Галена**



**Артровит**



**Гербион зубтурум**  
**сиропи**



**Ажойиб чой**



Балғам күчирувчи.  
Нафас олиш аъзоларини ўткир ва  
сурункали ялиғланиш  
касалликлари

Таянч-ҳаракатлантирувчи аппарат  
функциясини тутиб туради.  
Артрит, артроз, остеохондроз,  
травмалар, ортиқча жисмоний  
кучлар таъсири

Балғам күчирувчи, ялиғланишга  
қарши, микробларга қарши  
(бактериостатик) таъсирга эга.

Ошқозон ва ичак касалликларида,  
нафас олиш йўллари  
касалликларида (бронхит), оддий  
йўталда ишлатилади.

Маъruzалар муҳокама қилиниб, илмий анжуманга якун ясалганидан кейин иштирок этган барча талабалар баҳоланади. Бунда ўқувчиларни мавзуни ўлаштириш даражаси, уни ёритиб бериш қобилияти, берилган саволларга берган жавоблари эътиборга олинади. “Олимлар”-ўқувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади.

Дарс сўнггида ўқитувчи илмий анжуманга якун ясаркан, мавзу юзасидан учраган энг муҳим тушунчаларни тушунтириб беради, берилган саволларга жавоб беради.

Уйга вазифа сифатида Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган ва зубтурумга ўхшаган доривор ўсимликларни худди шундай таҳлил қилишларини бериши мумкин.

Дарсни умумий якунлаш. Дасрни якунларкан, ўқитувчи юқоридаги мавзуни касбга йўналтириш орқали тушунтириб бериши ҳам мумкин. Масалан, ўтилган илмий анжуманда биолог, кимёгар, фармацевт, провизор ва шифокорлар иштирок этди. Ўқитувчи бу касб эгаларининг иш фаолияти билан таништириши, улар қаерларда фаолият юрита олишларини тушунтириб ўтиши лозим.

Хулоса қилиб, айтадиган бўлсак, ўқувчини фанга қизиқтириш ниҳоятда муҳим саналади. Мураккаб, тушуниш бироз қийинроқ саналган фан мавзуларини ўқитишида дидактик ўйин методларидан фойдаланиш, ўқитувчини ижобий ютуқларга эришишига, ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини ортишига, фанга қизиқтиришни таъминловчи мотивация бўлиб хизмат қиласи.

Ўқувчиларнинг дарсда фаол бўлишлари таъминланади ва уларда коммуникатив компетенция шаклланади. Мавжуд муаммоларни ечимини топиш учун ўқувчиларда тезкорлик ва аниқлик каби ижобий сифатлар шаклланади. Дидактик ўйин

фаолиятида юзага келадиган рақобат, уларда шижаат ва ишбилиармонликни ривожлантиради. Ўқувчида шаклланган ижобий сифатлар уларга келажак ҳаётда ўз ўрнини топишларига ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холматов Ҳ.Ҳ., Аҳмедов Ў.А. Фармакогнозия. Тиббиёт билим юртлари ўқувчилари учун дарслик. Т., 1997й., 430 б.
2. Оленников Д.Н., Samuelsen A.B., Танхаева Л.М.. Подорожник большой (Plantago major l.). Химический состав и применение. Химия растительного сырья. 2007. №2. С. 37–50 с.
3. Толипова Ж.О., Фофуров А.Т.. Биология таълими технологиялари. Тошкент. Ўқитувчи. 2002 й.13-28 б.
4. Шайзакова Д.А., Муллабоева С.. Кимё дарсларида ўқувчилар фаоллигини оширишда дидактик ўйинлардан фойдаланиш. Society and innovations. Илмий журнал. 2021 й.
5. Оленников Д.Н., Танхаева Л.М., Михайлова Т.М., Samuelsen A.B. Органические кислоты лекарственных растений. 1. Plantago major L. // Химия природных соединений. 2005. №4. С. 354–355.
6. Мамчур Ф. И., Гладун Я. Д. Лекарственные растения на приусадебном участке. - К. Урожай, 1985. - 112 с., ил.